

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Fi1.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САПАЕВА ДИЛФУЗА НАРБАЕВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ТИББИЁТ
ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ
ТАРКИБИЙ-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(дерматовенерологияга оид лексикалар мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Сапаева Дилфуза Нарбаевна

Инглиз ва ўзбек тилларида тиббиёт терминологиясининг
таркибий-семантик хусусиятлари

(дерматовенерологияга оид лексикалар мисолида)..... 3

Сапаева Дилфуза Нарбаевна

Структурно-семантические особенности медицинской
терминологии в английском и узбекском языках

(на примере дерматовенерологической лексики)..... 33

Sapaeva Dilfuza Narbaevna

Structural and semantic features of medical
terminology in English and Uzbek languages

(on the example of dermatovenerological vocabulary)..... 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 67

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САПАЕВА ДИЛФУЗА НАРБАЕВНА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ТИББИЁТ
ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ
ТАРКИБИЙ-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(дерматовенерологияга оид лексикалар мисолида)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2020.4.PhD/Fil.1462 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий Кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nuu.md.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Садуллаева Нилуфар Азимовна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Маматов Абди Эшонқулович
филология фанлари доктори, профессор

Аҳмедов Ойбек Сапорбоевич
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019. Fil.01.10 рақамли Илмий Кенгашнинг “_____” _____ 2022 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 700174, Тошкент, Форобий кўчаси, 400 уй. Тел.: (+99871) 240-08-62; (+99871)227-10-59; факс: (+99871)246-65-24; e-mail: nauka@nuu.uz

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 700174, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 400 уй. Тел.: (+99871)240-08-62.

Диссертация автореферати 2022 йил “_____” _____ куни тарқатилди.

(2022 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Шереметьева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Н.Э.Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

И.А.Сиддикова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда янги касаллик турларининг пайдо бўлиши турли тилларда мулоқотга киришувчи мутахассислар ўртасида кенг миқёсда маълумот алмашилиш эҳтиёжини юзага келтиради. Тил ва жамиятнинг ўзаро боғлиқлиги, уларнинг динамик ва тўхтовсиз ўзгаришларга учраши, қолаверса, соҳага янги термин ва лексемаларнинг мунтазам ўзлаштирилиши натижасида кенг қўлланилиши тилшунослик соҳасида алоҳида амалий аҳамиятга эга. Бу борада дерматовенерология соҳасига оид терминларнинг қўлланилиш имкониятлари, таркибий тузилиши ҳамда семантик хусусиятларини янги методологик тамойиллар ва замонавий мезонлар асосида ёритиб бериш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда дунёда тиббиёт соҳасининг тармоқлари аҳолига хизмат кўрсатишнинг ажралмас ва зарурий воситаси сифатида борган сари кенг ва мустаҳкам ўрин эгалламоқда, хусусан, дерматовенерология тиббиётнинг жадал ривожланаётган соҳаларидан бири ҳисобланиб, унинг терминологияси доимий ривожланишда бўлиб турибди ва катта тезликда янги терминлар билан бойиб бормоқда. Россия, АҚШ, Италия, Буюк Британия, Германия, Япония, Малайзия каби давлатларда дерматовенерология терминологияси ва терминографиясини такомиллаштириш, дерматовенерология соҳасига кириб келаётган янги тушунчаларнинг яратилишини назоратга олиш, шакллантириш ва функционал хусусиятларини тадқиқ қилиш алоҳида аҳамиятга молик.

Мамлакатимизнинг сўнгги йилларда дунё ҳамжамиятига интеграллашуви ўзбек тилшунослигида терминларнинг таҳлили ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга қаратилган илмий изланишларнинг амалга оширилишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, турли оилаларга мансуб бўлган тилларда дерматовенерологик терминларнинг структур-семантик муносабатларда мавжуд ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлашга илмда алоҳида эътибор қаратилди. “Мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатиш бўйича келажак учун мустаҳкам пойдевор бўладиган янги тизимни йўлга қўйишнинг вақти-соати келди. Биз рақобатдош давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бундан буён мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрти битирувчилари камида 2 та чет тилини мукамал билишлари шарт. Бу қатъий талаб ҳар бир таълим муассасаси раҳбари фаолиятининг асосий мезонига айланиши лозим” деган ўз нуқтада президентимиз Ш.Мирзиёев¹. Бу эса инглиз ва ўзбек тилларида дерматовенерология терминларини чоғиштирма аспектда ўрганиш муҳим зарурият эканлигини англатади. Ваҳоланки, ўзбек тилшунослигида дерматовенерология соҳасига оид касаллик номлари, уларни аниқлашда қўлланиладиган синамалар ва даволовчи асбоб-ускуна ҳамда дориларни атовчи терминлар инглиз ва ўзбек тилларида чоғиштирма аспектда махсус ўрганилмаган.

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 6 май куни “Чет тилларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари” юзасидан видеоселектр йиғилишидаги нутқи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПКҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот мавзусининг Республикада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши Республика фан ва техника тараққиётининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маърифий ривожланишида инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устивор йўналишларига мувофиқ тайёрланган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инглиз, рус ва ўзбек тилшунослигида тиббиёт терминологияси масалалари бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилган.

Ainsworth-Vaughn, R.R.Ansbach, R.Brunnt, S.Fleischman, C.Lynch, R.Nestmann, F.Salager-Meyer, J.S.Sager каби хорижлик олимларнинг тиббиёт терминологияси тизимини турли хил аспектларда чуқур ўрганганини кузатишимиз мумкин².

Рус олимлари С.И.Балишин, Е.В.Бакешева, С.Г.Дудецкая, С.Л.Мишланова, А.А.Грошева, Д.К.Кондратьев, Н.И.Мелько, Е.В.Смирнова, М.В.Оганесян, Р.Пэрротт, А.А.Ракованинг инглиз тили тиббиёт терминологиясининг назарий муаммолари ва уни тадқиқ қилиш методларига бағишланган илмий ишларини кўришимиз мумкин³.

²Ainsworth-Vaughn N. The Discourse of Medical Encounters // the Handbook of Discourse Analysis / Ed. by D.Schiffrin, D.Tannen, H.E. Hamilton. – L., 2001. – 217 p.; Ansbach R.R. Notes on the sociology of medical discourse: the language of casepresentation // J. of Health and Social Behavior, 1988. – № 29. –375 p.; Brunnt R. Medical English Since the Mid-nineteenth Century // Fachsprachen. – New York, 1999. – 340 p.; Fleischman S. Language and Medicine // the Handbook of Discourse Analysis/ed. by D.Schiffrin, D.Tannen, H.E. Hamilton. – L., 2001. – 817 p.; Lynch C. Medical Terminology Management // Handbook of Terminology Management. Amsterdam. – Philadelphia, 1997. – 270 p.; Nestmann R. Motivation and Structure of Eponyms in Medical Language // Linguistische Studien, 1985. – 340 p.; Salager-Meyer F. Reference Patterns in Medical English Discourse // Proceedings of the 11th European Symposium on LSP. Vol. 1. – Copenhagen, 1997. – 531p.; Sager J.C. Term Formation // Terminology Management. Vol. 1 Basic Aspectsof Terminology Management. – Amsterdam, 1996. – P. 737-742.

³ Балишин С.И. Медицинская стилистически сниженная лексика современного английского языка и способы ее образования. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Калинин: КГУ, 1983. – 15 с.; Бекишева Е.В. Названия болезней как отражение понятийного аппарата медицины // Лексикология. Терминоведение. Стилистика. – Москва-Рязань, 2003. – 241 с.; Дудецкая С.Г. Метафоризация как способ терминообразования (на материале английской терминологии черепно-челюстно-лицевой хирургии и стоматологии). Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Самара: СГМУ, 2007. – 39 с.; Мишланова С.Л. Термин в медицинском дискурсе (образование, функционирование, развитие). Автореф. дис. ...докт. филол. наук. – М., 2003. – 18 с.; Грошева А.А. К вопросу об ассиметрии терминологического знака в медицинской терминологии / А.А.Грошева // Известия Самарского научного центра Российской академии наук, 2015. – 27 с.; Кондратьев Д.К., Мелько Н.И. Немотивированные термины в медицинской терминологии. Учебный процесс. Журнал ГГМУ, 2009. – 287 с.; Смирнова Е.В. Структурные особенности образования эпонимов в медицинской терминологии (на

Тиббиёт соҳаси бўйича махсус адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, замонавий инглиз ва рус тилларида тиббиёт терминлари тармоқлар бўйича алоҳида олиниб, асосан, анъанавий тарзда таркибий-семантик нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Урология, офтолмология, кордиология, онкология, стоматология, дерматология-венерология соҳасини ифодаловчи лексемаларнинг таркибий тузилиши, семантикаси ва қисман этимологик-функционал жиҳатлари Н.Д.Коновченко, М.В.Токарева, Л.В.Щеколдина, Е.В.Смирнова, Т.С.Кириллова, Г.Д.Арнаутов⁴ ва бошқаларнинг илмий изланишларида тадқиқот объекти бўлган.

Олима Л.В.Дубровина рус ва инглиз тиллари материаллари асосида тиббиёт терминологик тизимини шакллантирган, рус ва инглиз тили тиббиёт терминологиясини синхрон ва диахрон аспектда тадқиқ этган. Бундан ташқари тиббий терминларнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиб, унда соҳага тегишли терминларнинг асосини латин-грек, шунингдек, инглиз, рус ва немис терминлари ташкил этишини, улар орасида айрим испан ва бошқа тиллар терминлари ҳам учраб туришини аниқлаган⁵.

Ўзбек тили терминологияси масалалари дастлаб У.Турсунов томонидан ўрганилган⁶. Олим ўз илмий изланишларида терминология соҳасининг амалий ва назарий масалаларини ёритиб, луғат таркибининг бойиши ва такомиллашувида ташқи манбанинг муҳим ўрни ҳақида тўхталиб ўтган. Шу вақтгача ўзбек терминшунослари томонидан терминларни атрофлича тадқиқ этишга бағишланган қирққа яқин номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган, кўплаб монография ва юзлаб илмий-назарий мақолалар нашри эълон қилинган, юзга яқин терминологик луғатлар чоп этилган. З.Мираҳмедова, А.Мадалиев, Х.А.Саримсоқов, Ғ.М.Исмоилов, О.С.Аҳмедов, П.П.Нишонов, Д.И.Ҳоджаева ва бошқалар ўз илмий ишлари ва амалий тавсиялари билан ўзбек терминологиясининг ривожига салмоқли ҳисса қўшганлар⁷.

примере английского языка) // Вестник гуманитарного факультета ИГХТУ, 2014. – 189 с.; Оганесян М.В. Сопоставительно-переводческий анализ английской и русской медицинской терминологии по генетике. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М.: МГОУ, 2003. – 23 с.; Пэрротт Р., Ракова А.А. Семантические особенности медицинских терминов в русском и английском языках // Языковая семантика и образ мира. – Казань: КГУ, 1997. – 33 с.

⁴ Коновченко Н.Д. Системные связи в стоматологической лексике английского языка. Дис. ... канд. филол. наук. – Омск: ОПИ, 2004. – 184 с.; Токарева М.В. Становление, развитие и современное состояние английской терминологии нефрологии и урологии). Автореф. дис. ... канд. филол. наук: 10.02.04 / ИГЛУ. – Иркутск, 2003. – 189 с.; Щеколдина Л.В. Комплексный сопоставительный анализ английской и русской офтальмологической лексики. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Москва: МГОУ, 2006. – 28 с.; Смирнова Е.В. Структурно-семантический и лексикографический аспекты медицинской терминологии (на примере кардиологической лексики). Автореф. дис. ... канд. филол. наук: 10.02.19 / ЯГПУ. – Ярославль, 2012. – 31 с.; Кириллова Т.С. Пути формирования и лексикологические особенности английской терминологии подъязыка медицины (дерматология-венерология). Автореф. дис. ... канд. филол. наук: 10.02.04 / ПГПИИЯ. – Пятигорск, 1990. – 17 с.; Арнаутов Г.Д. Медицинская терминология на пяти языках. – София: Медицина и физкультура, 1964. – С. 944.

⁵ Дубровина Л.В. Из истории английских медицинских терминов // Особенности стиля научного изложения. – М.: МГУ, 1976. – С.17-22.

⁶ Турсунов У. Ўзбек терминологияси масалалари. – Т., 1933. – 178 б.

⁷ Мираҳмедова З. Ўзбек тилининг анатомия терминологияси ва уни тартибга солиш муаммолари. – Т., 2010. – 201 б.; Мадалиев А. Кўшма терминларнинг хусусиятлари ва уларни тартибга солиш масалалари // Ўзбек

Тиббиётга оид баъзи терминларнинг изоҳи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”⁸ да, соҳага доир дарслик ва ўқув қўлланмаларда берилган. Аммо ўзбек тилининг дерматовенерология соҳасига оид лексемалари ҳанузгача тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Қиёсий-чоғиштира аснода эса бу соҳада умуман илмий изланишлар ўтказилмаган.

Тилшуносликда инглиз тилидаги дерматовенерологияга оид терминларни бошқа бирон бир тилдаги муқобиллари билан қиёслашга бағишланган монографик илмий тадқиқотлар, диссертациялар, хусусан, инглиз ва ўзбек тиллари материалларида бажарилган илмий ишлар мавжуд эмас, шу нуқтаи назардан олиб қараганда илмий ишимиз долзарб мавзуга бағишланган бўлиб, инглиз ва ўзбек тиллари дерматовенерология терминларининг лисоний такомили ва таркибий-семантик тадқиқи бўйича дастлабки тадқиқотлардан бири ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Урганч давлат университети илмий ишлар режасининг “Тилшунослик муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларида дерматовенерологияга оид терминларнинг таркибий, лексик-семантик хусусиятларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини чоғиштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тилшуносликда тиббиёт терминологиясининг назарий тадқиқини ўрганиш;

чоғиштирилаётган тиллардаги дерматовенерология терминларининг таркибий хусусиятларини белгилаш, сўз ясовчи олд ва орқа қўшимчаларни маҳсулдорлик жиҳатдан таснифлаш, содда ва мураккаб бирикма терминларнинг моделларини таҳлил қилиш;

инглиз ва ўзбек тиллари дерматовенерология терминологиясида қисқартмалар ва уларнинг турларини таҳлил этиш, тиббий матнларда учрашини мисоллар ёрдамида ёритиш;

дерматовенерология терминологиясида лексик-семантик гуруҳларни қисмларга ажратиб ўрганиш; чоғиштирилаётган тилларда дерматовенерологик терминларнинг синонимик, антонимик, омонимик ва эпонимик хусусиятларини ёритиб бериш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги тиббий матнларда дерматовенерологик терминларнинг ясалишида метафора ва метонимия ҳодисасини аниқлаш.

тили илмий-техникавий терминологиясини тартибга солиш принциплари. – Т., 1991. – 198 б.; Исмаилов Ғ.М. Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши. Филол. фан. ном. дисс... – Т., 2011. – 158 б.; Саримсоқов Х.А. Инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг чоғиштира тадқиқи. Ф.д. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 34 б.; Аҳмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари. Филол. фан. док. дисс... – Т., 2016. – 189 б.; Нишонов П.П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи. Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2009. – 10 б.; Ходжаева Д.И. Тилшунослик терминларининг лексикографик таҳлили (инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатлари материаллари мисолида). Ф.д. (PhD) дисс. автореф. – Т., 2018. – 35 б.

⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. Ўзбек миллий энциклопедияси. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2008. – 248 б.

Тадқиқот объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги дерматовенерологик терминлар олинди.

Тадқиқот предмети инглиз ва ўзбек тилларида дерматовенерологияга оид терминларнинг таркибий-семантик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда компонент, тарихий-этимологик, чоғиштирма, тавсифлаш, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тиббиёт терминологиясининг жаҳон ва ўзбек тилшунослигида юзага келиши, маданий-тарихий тараққиёт босқичлари аниқланиб, чоғиштирилаётган тиллар тизимида тиббиёт терминологиясининг ички ва ташқи омиллар ҳисобига бойиш йўллари исботланган ҳамда ўзлашма қатламнинг миқдорий кўрсаткичлари далилланган;

дерматовенерологик терминологияда қисқартмаларнинг клиппинг (clippings), блендинг (blending), эллипсис (ellipsis), қисман қисқартмалар (semi-acronyms), бош ҳарфлардан тузилган қисқартмалар, миқдор ва аниқловчи кўрсаткичли қисқартмалар усулларида ясалиши исботланган;

дерматовенерологияга оид терминларни тери морфологияси (анатомияси, гистологияси, ва физиологияси), касаллик номлари, даволовчи асбоб ускуналар ва синамалар, дори-дармон номлари ҳамда клиник белгилар, симптом, синдромларни атовчи терминлар каби лексик-семантик терминларнинг туб, ясама, қўшма ва бирикма терминлар тарзида ифодаланиши асосланган;

инглиз ва ўзбек тилларида дерматовенерология соҳасига оид терминларда бир, икки, уч, тўрт, беш компонентли синонимлар, туб ва ясама антонимлар, соҳалараро омонимлар, шахс ва жой номларига асосланган эпонимларнинг тиллараро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари аниқланиб, метафорик кўчишнинг моделлари ва метонимия мавжудлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нофилологик олий ўқув муассасалари талабалари учун ихтисослик бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларни, лексик минимум ҳамда икки тилли ўқув терминологик луғатларни тузишда, инглиз ва ўзбек тиллари лексикологияси бўйича маъруза матнларни тайёрлашда фойдаланилган;

дерматовенерология амалиёти эҳтиёжлари учун зарур бўлган соҳага оид икки тилли (инглизча-ўзбекча) махсус изоҳли терминлар луғати яратилган, тиббиёт ўқув муассасаларида ўқитиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти термин яшаш қонуниятларини аниқлаш ва тушуниш, формал структуранинг бирлик томонидан ифода қилинаётган

мазмунга боғлиқ равишда хусусиятларини ўрганиш, номинациянинг терминологик бирликлари ўртасидаги мавжуд алоқалар ва муносабатларни, хусусан, синонимик, антонимик, омонимик ва эпонимик муносабатларини ўрганиш – буларнинг ҳаммаси терминологияни тартибга солиш ва стандартлаштириш ишида катта аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юрларида амалий дарслар, жумладан, тери-таносил касалликларини ўргатишда, университетларнинг филология факультетларида “Лексикология”, “Стилистика” каби фанлар бўйича ўқув адабиётлари, ўқув-услубий мажмуалар тайёрлашда, магистрлик ва докторлик диссертацияларини ёзишда, дерматовенерология соҳасига оид инглизча-ўзбекча изоҳли ва энциклопедик луғатларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларида тиббиёт терминларининг шаклланиш, ривожланиш, таркибий ва семантик хусусиятларини очиқ бериш бўйича олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

тилшуносликда дерматовенерология соҳасига оид терминларнинг этимологик хусусиятларини аниқлаш орқали ушбу соҳа терминларининг тил тизимидаги ўрни борасидаги илмий хулосалардан инглиз ва ўзбек тилида “Дерматовенерологик терминларнинг инглизча-ўзбекча изоҳли луғати”ни яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 6 сентябрдаги 04/15-06-09-01-сон маълумотномаси). Натижада соҳа терминларининг тизимлаштирилиши, лексикографик изоҳларининг такомилли, чоғиштирилаётган тилларда ўзлашма ва байналминал терминларнинг барқарорлашув механизмлари таъминланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги дерматовенерология терминларининг таркибий тузилиши ҳамда улардаги суффикс ва префикслар юқори, ўрта, паст махсулдор кўшимчалар гуруҳларига ажратилиши, дерматовенерологик терминологияда қисқартмаларнинг клиппинг (clippings), блендинг (blending), эллипсис (ellipsis), қисман қисқартмалар (semi-acronyms), бош ҳарфлардан тузилган қисқартмалар, миқдор ва аниқловчи кўрсаткичли қисқартмалар усулларида ясашига доир илмий хулосалардан Урганч Давлат Университетининг Erasmus+дастурининг 585845-EPP-1-2017-1-ES-EPPKA2-SBNT-JP “Development of the interdisciplinary master program on Computational Linguistics at Central Asian Universities: CLASS” грант лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 6 сентябрдаги 04/15-06-09-01-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида профессор-ўқитувчилар учун яратилган ва тадбиқ қилинган “Қардош халқлар учун ҳамкорлик дастурлар” курси яратилган;

дерматовенерологияга оид терминларни тери морфологияси (анатомияси, гистологияси, ва физиологияси), касаллик номлари, даволовчи асбоб-ускуналар ва синамалар, дори-дармон номлари ҳамда клиник белгилар, симптом, синдромларни атовчи терминлар каби лексик-семантик гуруҳларга

ажратиш орқали терминларнинг туб, ясама, қўшма ва бирикма терминлар тарзида ифодаланишига доир илмий хулосалардан Республика ихтисослаштирилган дерматология, венерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази амалий фаолиятида фойдаланилган (Республика ихтисослаштирилган дерматология, венерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2021 йил 10 августдаги 01091584-сон маълумотномаси). Натижада тери-таносил касалликлари соҳаси терминшунослик тизимини янада такомиллаштиришга ва хорижий ҳамкор ташкилотлар билан турли расмий ҳужжатларни ишлаб чиқишда юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш учун хизмат қилган;

чоғиштирилаётган тилларда дерматовенерология терминологиясида синонимия, антонимия, омонимия, эпонимия ҳодисалари аниқланган ҳамда метафорик кўчишнинг моделлари ва метонимия мавжудлигига доир илмий хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон”, “Оилавий” телеканаллари орқали эфирга узатилган “Ойдин ҳаёт Live”, “Online консультация” кўрсатувлари саҳифаларида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 13 августдаги 01-35-1351-сон маълумотномаси). Натижада инглиз ва ўзбек тилларидаги дерматовенерология соҳасига оид терминларнинг таркибий-семантик хусусиятлари, синонимик қаторда қўлланилиши, ушбу соҳа терминологиясида эпонимларнинг ишлатилиши ва нутқ маданиятида қўлланилиши билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, жами 145 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети, усуллари аниқланган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишочлилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилингани,

апробацияси, нашр этилган ишлар сони ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тиббиёт терминологиясини ўрганишнинг назарий асослари ва тиббий терминларнинг шаклланиш хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида тилшуносликда тиббиёт терминларини таснифлаш муаммолари, инглиз ва ўзбек тилларида уларнинг ясалиши ўрганилган ҳамда жаҳон тилшуносларининг соҳа терминологияси тўғрисидаги фикрларига муносабат билдирилган.

“Тиббиёт терминологияси тушунчаси, шаклланиш ва ривожланиш тарихи” деб номланган биринчи бўлимида жаҳон ва ўзбек тилшунослигида тиббиёт терминологиясининг шаклланиши, маданий-тарихий тараққиёти, тиббиёт терминларининг мустақил соҳа сифатида турли тиллар доирасида ўрганилиш масалалари ёритилган. Тиббий билимлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар узоқ ўтмишга бориб тақалади. Биринчи тиббиёт матнлари Қадимги Юнонистонда пайдо бўлиб, ўша даврнинг 100 дан ортиқ тиббиёт кўлэмалари “Гиппократ йиғма жилди” (Corpus Hippocraticum) деб аталувчи мажмуага йиғилгани ва унда ўтмишнинг буюк врачлари Гиппократ ва унинг шогирдлари ҳамда қадимги юнон врачларининг ишлари киритилгани тўғрисида тарихдан маълумотлар берилган. Ўрта асрларда тиббиёт билимини ривожлантиришда Шарқ араб халқлари, Эрон ва Ўрта Осиё мамлакатларининг хизмати катта бўлган. Тиббиёт илми Абу Бакр ар-Розий, Абу Али ибн Сино, Зайнутдин Журжоний, Насриддин Тусий сингари алломалар даврида юксак даражада ривожланган. Уйғониш даврида Европа яна тиббиёт фанининг марказига айланди. XVII асрнинг илмий революцияси, янги илмий фанларнинг ва фундаментал илмий йўналишларнинг пайдо бўлиши билан асосланувчи тиббиёт фанининг жўшқин тараққиёти ривожланишига олиб келди. Ғарбда замонавий (клиник) деб аталувчи тиббиётнинг пайдо бўлиши билан шифокорлар орасида ўз касблари тарихини бутунлай янгидан тузиш эҳтиёжи пайдо бўлди. У Европадаги тиббиёт билимларининг ривожланишини антик даврдан ҳозирги вақтгача бўлган барча босқичлари ҳақидаги ҳикояларни ўз ичига олди. Шифокорларнинг ўзлари томонидан ёзилган тиббиёт тарихи фани пайдо бўлди. Унинг асосий мавзулари тиббиёт билими соҳасидаги тараққиёт, буюк шифокорлар ва тиббиёт мактаблари фаолиятининг тарихи, тиббиёт техникаси эволюцияси ва касалларга ёрдам кўрсатиш усуллари бўлди.

Ўзбек тилшунослигида олиб борилган тадқиқотларни ўрганиш асосида шундай хулосага келиндикки, тилшунослигимизда ҳам бошқа тиллар сингари мазкур соҳадаги тадқиқотлар кўламини кенгайтириш жоиз. Шунингдек, ҳозирда дерматовенерология соҳасида қўлланилаётган терминлар изоҳли луғатининг яратилмагани соҳа терминлари устида чуқур изланишлар олиб бориш заруриятини юзага келтиради.

Мазкур бобнинг **“Тиббиёт терминологиясининг назарий масалалари ва тадқиқи”** деб номланган иккинчи бўлимида тиббиёт терминологиясини ўрганишда илмий изланишлар олиб борган хорижлик ва маҳаллий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларга муносабат билдирилган. Инглиз

тилшунослигида хорижлик олимлардан Ainsworth-Vaughn, R.R.Anspach, R.Brunt, S.Fleischman, C.Lynch, R.Nestmann, F.Salager-Meyer, J.S.Sager тиббиёт терминологияси тизимини турли хил аспектларда чуқур ўрганган бўлсалар, рус олимлари ҳам бу соҳа тадқиқи бўйича қатор илмий изланишлар олиб борган. Жумладан, М.В.Токарева⁹ инглиз тилида нефрология ва урология соҳаси терминларини, Е.Д.Маленова¹⁰ дунё табиий манзарасининг инглиз тиббий терминшунослигида акс этиши масалаларини, Г.А.Абрамова¹¹ тиббий лексиканинг этимологик, морфологик, синтактик, коммуникатив-прагматик ва лингвостилистик хусусиятларини ўрганишга бағишланган илмий изланишларини кузатишимиз мумкин. Г.Д.Арнаутов¹² ўз монографиясида илк бор турли тизимга мансуб бешта ғарб тилида тиббий терминларнинг чоғиштирма таҳлилинини амалга оширган, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари очиқ берган, лекин мазкур ишда тиббий терминларнинг лингвокогнитив асоси, уларнинг коммуникатив-прагматик жиҳатлари, лингвокультурологик ва лингвостилистик жиҳатлари ҳақида маълумотлар деярли йўқ. Н.А.Алленова номзодлик диссертациясида АҚШнинг миллий илмий ва дунёнинг табиий манзарасида касаллик номлари билан бевосита боғлиқ бўлган долзарб этносемантик ва лингвокогнитив масалаларни тадқиқ қилиб, уларнинг лингвокогнитив ва лингвокультурологик хусусиятларини ёритиб берган¹³. Лекин шунини айтиш жоизки, олиманинг тадқиқот ишида касаллик номлари борасида инглиз тилининг Британия ва Америка вариантлари ўртасидаги тафовутлар ва уларни келтириб чиқарувчи лисоний ҳамда нолисоний омиллар очиқ берилмаган.

Баъзи олимларнинг¹⁴ тадқиқотлари шунини кўрсатдики, терминнинг аниқлик, эмоционал бўёқдорликнинг йўқлиги каби хусусиятлари терминларни умумий тил фондидан ажратиш мезонига айланиши мумкин эмас. И.В.Бушин¹⁵ ушбу нуқтаи назарга қўшилиб, терминларнинг ўзига хослиги, ихтисослашуви ва эмоционал бетарафлигини нисбий деб ҳисоблайди.

Юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда термин ҳам маъно англаувчи сўз бўлгани учун, ҳар қандай сўзга хос бўлган барча хусусиятлар (полисемия, синонимия ва бошқалар) ҳам терминга хосдир деган хулосага келдик. Тиббиёт терминологияси бу борада истисно эмас. Изланишларимиз

⁹ Токарева М. В. Становление, развитие и современное состояние английской терминологии нефрологии и урологии. Дис. ... канд. филол. наук. – Омск, 2003. – С.63-75

¹⁰ Маленова Е.Д. Наивная картина мира и ее отражение в английской медицинской терминологии в социолингвистическом освещении. Дисс ... канд. филол. наук. – Омск, 2006. – С. 198.

¹¹ Абрамова Г.А. Медицинская лексика: основные свойства и тенденции развития. Дисс... на соис. уч ст. доктора филол. наук. – Краснодар, 2003. – С. 312.

¹² Арнаутов Г.Д. Медицинская терминология на пяти языках. – София: Медицина и физкультура, 1964. – С. 944.

¹³ Алленова Н.А. Названия болезней в национальной научной и наивной картинах мира США: Этносемантические и когнитивные аспекты. Дис. ... канд. филол. наук. – Владивосток, 2003. – С. 38.

¹⁴ Мишланова С.Л. Термин в медицинском дискурсе (образование, функционирование, развитие). Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – М., 2003. – С. 35.

¹⁵ Бушин И.В. Термины-гибриды и специфика их образования (на материале терминологии судебной медицины русского и английского языков) // Функционирование языковых единиц в разных формах речи. – Саратов, 1995. – С. 12-16.

натижасида тиббиёт терминологияси ҳам умумий адабий тил билан бир хил ходиса ва қонуниятлардан фойдаланилишини кузатдик.

Мамлакатимизда турли тилларнинг терминологик тизимларини ўрганишга доир тадқиқотлар кўп бўлса-да, уларни бошқа тиллар билан қиёслаб ўрганишга асосланган тадқиқотлар кам миқдорни ташкил қилади.

Умуман, туркий тиллар доирасида тиббиёт терминологиясини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар айтарли кўп эмас, борларининг ҳам аксарияти тор доирадаги масалаларни қамраб олган мақолалар ва диссертациялардан иборат. Улардан А.Хусанов, А.Косимов, Д.Х.Бозорова, Ф.Г.Ишакова, К.Жидебаевнинг илмий изланишларини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Ўзбек тилшунослигида тиббиёт терминлари ханузгача махсус тармоқлар доирасида турли тиллар билан қиёсий-чоғиштирма таҳлил қилинмаган.

I бобнинг “Инглиз ва ўзбек тилларида тиббиёт терминларининг бойиш манбалари” деб номланган учинчи бўлимида чоғиштирилаётган икки тил тиббиёт терминологиясининг қандай йўллар билан бойиб, такомиллашиб бориши таҳлил қилинган.

Инглиз ва ўзбек тиллари тиббиёт терминларининг бойиши қуйидаги йўллар асосида амалга ошириш ўрганилди: аффиксация усули билан ясалган терминлар, қўшма терминлар, бирикма терминлар, ўзлашма терминлар, неологизмлар.

Термин ҳосил бўлишининг сермахсул усули ҳар икки тил учун ҳам аффиксация усули орқали сўз ҳосил қилишдир.

Тиббий терминларнинг аксарияти аффикс шаклида юнон ва лотин префикслари ва қўшимчалари ёрдамида шаклланган. Ушбу услубнинг афзаллиги шундаки, янги тушунчалар ва ихтироларни мутахассислар осонгина ва тушунарли деб аташлари мумкин. Кўриб чиқиляётган терминологик луғат таркибидаги аффикслар таҳлили Н.А.Пушкинанинг таснифига кўра, уч гуруҳга ажратилган:¹⁶ юқори махсулдор, ўрта махсулдор, паст махсулдор.

Инглиз тили тиббиёт тизимида *-tion, -er, -ity, -ism* аффикслари от сўз туркумидаги, *-ic, -al, -ous* қўшимчалари сифат сўз туркуми ясашда юқори махсулдорликка эга бўлса, *-age, -ness, -less, -ate* қўшимчалар тиббий термин ҳосил қилишда паст махсулдорликка эга эканлиги аниқланди. Ўзбек тили тиббиёт терминологиясида ҳам қўшимчалар орқали янги маъноли сўз ҳосил қилиш усули сермахсул ҳисобланади. *-ли, -ак, -оқ, -иқ, -ин, -ун, -ка, -из, -ма, -гич, -ча, -дон* қўшимчалари тиббиёт терминларини ҳосил қилишда юқори махсулдорликка эга. Масалан: *сўргич, бурма, тугунли, пуфакча, билак, бўқоқ, бўғиз* ва бошқалар.

Инглиз тилидаги тиббиёт терминларининг маълум бир қисми қўшма сўз шаклида бўлиб, уларнинг аксарияти «от+от» моделини ташкил этади: *toothache-тиш оғриқ, headache-бош оғриқ, chickenpox-сувчечак.*

¹⁶ Пушкина Н.А. Структура медицинской терминосистемы современного английского языка [Электронный ресурс]. URL: http://sno.bsu.edu.ru/nauka/_Shmi/vest_PushkinaNA.doc (дата обращения 25.12.2009).

Инглиз тилидаги кўшма сўз шаклидаги тиббиёт терминлари ўзбек тилига сўз бирикмаси шаклида ўзлашиши кузатилди: *frostbite-совуқ уриши*, *heatstroke-иссиқ уриши*, *gamma-chamber-гамма камраси*, *gall bladder-ўт қони*, *high-toxic-юқори заҳарли*.

Бирикма терминлар масаласи доимо терминологиянинг долзарб масалаларидан бири бўлиб келган. Бунинг сабаби эса тиббиёт терминологиясида бирикма терминларнинг салмоғи бошқа турдаги терминлардан анча кўп эканлиги билан изоҳланади. Ўрганилаётган соҳа терминологиясида икки ва ундан ортиқ компонентдан тузилган, сўз бирикмалари шаклидаги терминлар чоғиштирилаётган тиллардан тўпланган материалларнинг энг катта қисмини ташкил этади: *skin tone – тери ранги*, *plastic surgeon – пластик жарроҳ*, *primary syphilis – бирламчи захм*.

Тилнинг луғавий таркиби бойиб, ривожланиб боришида икки асосий манба муҳим роль ўйнайди. Булар тилнинг ўз ички қонуниятлари, имкониятлари асосида янги сўзлар ясаш ҳамда ўзга тиллардан сўз ўзлаштиришдир. Ҳ.Дадабоев ўзбек терминологиясининг ўз бойликлари ҳисобига тараққий этиши ҳам ушбу икки йўл билан воқеланиши ҳақида фикр юритиб, тилда мавжудлиги, тайёр сўзлардан янги нарса-предмет ва янги тушунчаларни ифодалашда фойдаланиш ҳамда ўзбек адабий тилидаги сўз ясаш имкониятлари иштирокида янги терминлар яратиш муҳимлиги ҳақида тўхталган. Инглиз тилидан ўзбек тилига айнан ўзлашган тиббиёт терминларига қуйидаги сўзларни киритишимиз мумкин: *массаж*, *бандаж*, *гипс*, *шприц*, *маз*, *дерматоз*, *антибиотик*, *операция*, *фунгуцид*, *витамин*, *скалпел*, *гормон*, *таблетка*, *ампула*, *рецепт* ва бошқалар.

Тилшуносликда неологизмлар ўзига хос миллий-маданий хусусиятга эга соҳа саналади. Тил тараққиётининг маълум бир босқичида неологизм бўлган сўз кейинроқ неологизмлик “бўёғи”ни йўқотиб, замонавий лексик қатлам бирлигига айланиши мумкин. Кейинги 3-5 йил ичида тиббиёт терминологиясида пайдо бўлган *наномедицина*, *аэротерапия*, *киборгизация*, *лазертерапия* каби терминлар неологизмлар ҳисобланади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Инглиз ва ўзбек тилларида дерматовенерологик терминларнинг таркибий тузилиши**” деб номланган, унда дерматовенерологик терминларнинг таркибий хусусиятлари ўрганилди. Иккинчи бобнинг биринчи бўлими “Инглиз ва ўзбек тилларида дерматовенерология терминларининг шаклланиш усуллари” деб номланган.

Диссертация ишида инглиз тили дерматовенерологик терминлари икки гуруҳ билан ифодаланди: *термин сўзлар* ва *термин бирикмалар*.

Термин сўзлар, ўз навбатида, қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

1. Туб терминлар. Битта ўзакдан ташкил топган бўлиб, у маъноли морфемаларга бўлинмайди. Масалан: *bulla, mole, skin, hair, nail, acne, cyst, rash, patch, ulcer, hives, eczema, lesion, nevi*.

2. Аффиксация усули билан ясалган терминлар. Ўзакка аффикслар қўшилиши натижасида ҳосил бўлган терминлар ясама терминлар дейилади. Бундай терминларга қуйидагиларни мисол қилиб келтирамиз: *erosion, pustule, dermatologic, psoriasis, bullous, pemphigoid, allergen*.

3. Қўшма терминлар. Икки ва ундан ортиқ ўзакнинг бирикишидан ташкил топган терминлар қўшма терминлар дейилади. Масалан: *autosome-dominant, dermatitis-lymphocid, dermatitis-perivascular, erythemat-squamosis, cis-isomer, alpha-tocopherol, beta-lactamase, staphylo-streptococcus*.

4. Қисқартма терминлар (аббревиатуралар): *ACID, LED, DRESS, DLQI*.

Дерматовенерологик термин бирикмаларни икки гуруҳга ажратиб ўргандик:

а) Содда бирикма терминлар: таркиби икки сўздан иборат бўлиб, биттаси ҳоким иккинчиси тобеланиш асосида бирикади: *contact dermatitis, eczematous rash, atopic dermatitis, cornified layer, skin cancer, skin rash, melanin hyperpigmentation, acquired ichthyosis, suspected angioedema, suspected urticarial, scarring alopecia*.

б) Мураккаб бирикма терминлар. Уч ва ундан ортиқ компонентни ўзида жамлаган бирикма терминлар: *topical mid-potency corticosteroids, staphylococcal scalded skin syndrome, small dilated cutaneous vessels, Mesh pigmentary poikiloderma Sivatta, melanatic cancer malignant melanoma, Acquired Immune Deficiency Syndrome*.

Ўзбек тилида дерматовенерологик терминларни таркибий жиҳатдан икки гуруҳга бўлиш мумкин: термин сўзлар ва термин бирикмалар. Термин сўзлар қуйидаги гуруҳлардан ташкил топган:

1. Туб терминлар: *сўгал, ҳол, захм, қўтир, эшакем, мохов, гуш, яра, доғ, тери, мадда ва бошқалар*.

2. Аффиксация усулида ясалган терминлар: *тошма, бурма, ўсма, қичима, тўқима, пуфакча, венерология, дерматология, тугунли, замбуругли, пўстлоқ, сўргич ва бошқалар*.

3. Қўшма терминлар: *қора қўтир, кўкяра, кўзьяра, сувчечак, кўкйўтал, ёмоньяра, ётоқяра, везикулонустулёз, иммуномодулин, физиотерапевтика, папулонекротик, дерматомикоз*.

Ўзбек тили дерматовенерология терминологиясида бирикма терминларни содда ва мураккаб бирикма терминларга бўлиб ўргандик. Улар:

а) Содда бирикма терминлар: *пигмент ҳужайра, базал қават, донадор қават, Лангерганс ҳужайраси, қизил темиртки, оддий ҳуснбузар, йирингли яра*.

б) Мураккаб бирикма терминлар: *тери ости ёғ қавати чегарали никрози, жинсий йўл билан юқувчи инфекциялар, янги тугилган чақалоқларнинг гонококкли конъюнктивити, сурункали ярали ва вегетацияланувчи пиодермитлар, Гоффман абсцесланган кўпоровчан фолликулити ва перефолликулити, тери шиллиқ қаватларнинг ярали сили*.

Инглиз ва ўзбек тилларида дерматовенерология терминларини структурасига кўра, таснифлаш мазкур соҳа терминлари орасида содда бирикма терминлар алоҳида гуруҳни ташкил этишини кўрсатди.

Жуфт шаклдаги терминлар дерматовенерология терминологияси тизимида ҳам учрайди. Масалан: *чов-сон, яра-чақа, меъда-ичак, аутосом-доминант, дермата-лимфоцид, дермата-периваскуляр, эритемато-сквамоз, цис-изомер, алфа-токоферол, бетта-лактамаза, стафило-стрептококк*.

Тадқиқот таҳлилларига кўра, инглиз ва ўзбек тилларида дерматовенерология терминларининг структурасига кўра чоғиштирма таснифи куйидаги жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

Инглиз ва ўзбек тиллари дерматовенерология терминларининг структурасига кўра чоғиштирма таҳлили

Дерматовенерологик терминология лексик бирликларининг таснифи	Инглиз тилида	Ўзбек тилида
Содда терминлар	99	83
Аффиксация усулида ясалган терминлар	319	311
Кўшма терминлар	134	109
Жуфт терминлар	–	45
Содда бирикма терминлар	1230	1137
Мураккаб бирикма терминлар	738	775
Умумий сони	2520	2465

Жадвалдан кўришиб турибдики, чоғиштирилаётган тиллар дерматовенерологик терминологиясида содда бирикма терминлар фоиз жиҳатдан деярли тенг миқдорда. Бу ҳар икки тил терминологик тизимида икки компонентли терминлар кўп миқдорни ташкил қилишидан далолат беради.

Иккинчи бобда чоғиштирилаётган икки тил дерматовенерологик терминологиясининг қандай йўллар орқали бойиб, такомиллашиб бориши таҳлил қилинган. Бобнинг “Инглиз ва ўзбек тилларида дерматовенерологик терминларни шакллантиришнинг морфологик хусусиятлари” деб номланган иккинчи бўлимида инглиз ва ўзбек тиллари дерматовенерологик терминларининг аффиксация ва қисқартириш усули орқали ҳосил бўлиши ўрганилган. Аффиксация орқали сўз яшаш инглиз тилида маҳсулдор усул ҳисобланади ва у икки асосий гуруҳга бўлинади: 1) суффикслар орқали; 2) префикслар орқали сўз яшаш.

Инглиз тили дерматовенерология терминларининг ясашида *-al, -ary, -ent, -ic, -ory, -ous* кўшимчалари сифат сўз туркумини, *-is, -tion, -itis*, сўз ясовчи кўшимчалари от сўз туркумига хос бўлган терминларни яшашда фаол қўлланилади.

Ўзбек тили дерматовенерология терминларини ясашида *-ма, -ча* каби аффикслар от сўз туркумидаги терминларни, *-симон, -ли* аффикслари сифат сўз туркумидаги терминларни яшашда юқори маҳсулдорликка эга.

Инглиз тилида тери-таносил касалликлари қисқартма терминларини структурасига кўра куйидаги турларга ажратдик:

1. Клиппинг (clippings) усули билан ясалган терминлар. Улар сўз бирикмасидаги лексемаларнинг баъзи бўлақларини тушириб қолдириш йўли билан ясалади: *T-capitus-Tinea capitus, T-manum-Tinea manum, T-pedis-Tineapedis, L-cell-Langergans cell*.

2. Блендинг (*blending*) янги сўз ҳосил қилиш учун икки ёки ундан кўп сўзнинг қисмлари бирлашувидир. Масалан: *amel mel-amelanotic melanoma*.

3. Эллипсис (*ellipsis*) усули билан ясалган терминлар. Улар сўз бирикмадан сўзнинг тушириб қолдирилиши йўли билан ясалади: *doxudoxucline, decub-decubitus ulcer*.

4. Қисман қисқартма усули билан ясалган терминлар (*semi-acronyms*). Бундай қисқартмалар сўз бирикмадаги ҳар бир сўзнинг фақатгина бош ҳарфидан эмас, балки бирикмани ташкил этувчи компонентларнинг бошқа бўлақларидан ҳам иборат бўлиши мумкин: *EDC-electrodessication and curretage, TAC-triamicinolone acetamide*.

5. Бош ҳарфлардан тузилган қисқартма терминлар. Терминологик бирикмадаги ҳар бир сўзнинг фақат бош ҳарфларидан ясалади. Дерматовенерологик терминологиядаги 78.5 % қисқартмалар ушбу усул билан ясалган: *DRESS- Drug rash, eosinophilia, and systemic symptoms, DLQI-Dermatology Life Quality Index, DLE-discoid lupus erythematosus, DH-dermatitis herpetiformis, CCLE-chronic cutaneous lupus erythematosus*.

6. Миқдор ва аниқловчи кўрсаткичли қисқартмалар. Бундай қисқартмаларнинг асосий хусусиятлари шундан иборатки, уларнинг ясалишида белги ва миқдорий кўрсаткич термин ясовчи асос сифатида келади. Мисол қилиб қуйидаги терминларни келтирамиз: *G6PD - glucose - 6 - phosphate dehydrogenase, Primary syphilis-1S, Secondary syphilis-2S*.

Таҳлиллар натижасида инглиз тилида бош ҳарфлардан тузилган қисқартмалар миқдор жиҳатдан кўп эканлиги аниқланди. Миқдор ва аниқловчи кўрсаткичли қисқартмалар сони 28 тани ташкил қилиб, дерматовенерология терминологияси қисқартмаларининг 7 %ини ташкил қилган.

Ўзбек тили дерматовенерология терминологиясида аббревиатура усулида сўз яшаш каммаҳсул бўлиб, юқоридаги усуллардан фақат иккитаси, яъни бош ҳарфлардан тузилган қисқартмалар ҳамда миқдор ва аниқловчи кўрсаткичли қисқартмалар қўлланилган. Масалан: *ОИТВ – орттирилган иммунитет танқислиги вируси, ОИТС – орттирилган иммунитет танқислиги синдроми, ССВ – Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги, ЭЧТ – эритроцитларнинг чўкиши тезлиги, ЦМВ – цитомегаловирус, ОГВ-1 – орофациал учуқ, Пап-тест – Пананиколау тести, ПЗР – полимераз занжир реакцияси*.

Дерматовенерологик матнларда учрайдиган қисқартма терминларнинг лексик-семантик жиҳатларини ўрганиб, уларни қуйидаги гуруҳларга ажратдик:

– ташқилот, муассаса номларини ифодаловчи қисқартма терминлар: *BAD – The British Association of Dermatologists, WHO – World health Organization, NAAF – National Alopecia Areata Foundation, ЖССБ – Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Бошқармаси, ССВ – Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Дерматовенерология ИТИ – Дерматология ва венерология илмий текшириш институти кабилар;*

– касаллик номларини ифодаловчи қисқартма терминлар: *SJS – Stevens-Johnson syndrome, TEN – toxic epidermal necrolysis, ACPS – Acquired cutaneous paraneoplastic syndrome, ОИТС – орттирилган иммунитет танқислиги синдроми, АТПА – аллопони турғун пустилўз акродерматити, ТЭП – туғма эритропоэтик порфирия* кабилар;

– тери-таносил касалликларини даволовчи асбоб ускуналар ва синамаларни атовчи терминлар: *UVR – ultraviolet radiation, PUVA – psoralen plus ultraviolet A, ПУВА – псорален ва ултра бинафша нурлари, АНА – антинуклиар антитана*;

– тери-таносил касалликларини даволовчи дори-дармонларнинг номлари: *ТААС – topical azelaic acid cream, Nd-YAG – neodymium-doped yttrium aluminum garnet, АКТГ – адренокортикотрофик гармон, ДМСО – диметил сулфооксид, ДНК – диоксирибонуклеид кислота*.

Мисоллардан кўришиб турибдики, қисқартмалар тери-таносил касалликларининг номлари, дерматовенерологияда ишлатиладиган тиббий асбоб-ускуналар номи учун хосдир. Деярли барча матнларда терминнинг тўлиқ кўриниши ва қавс ичида қисқартма шакли берилган.

2- жадвал.

Инглиз ва ўзбек тилларида дерматовенерологик қисқартма терминларнинг чоғиштирма таҳлили

Қисқартма термин тури	Инглиз тили	Ўзбек тили
Бош ҳарфлардан тузилган қисқартмалар	314	39
Қисман қисқартмалар	16	-
Клиппинг	25	-
Миқдор ва аниқловчи кўрсаткичли қисқартмалар	28	11
Эллипсис	10	-
Блендинг	7	-
Умумий сони	400	50

Дерматовенерология терминологик қисқартмаларнинг ясалишида ҳар икки тилда ҳам компонентларнинг бош ҳарфларидан ясалиш усулининг самарадор эканлиги аниқланди. Улар инглиз тили терминологик қисқартмаларнинг 78.5 %ини, ўзбек тилида 78 %ни ташкил этади. Демак, дерматовенерология терминологияси қисқартма терминларнинг сонини орттирувчи манба ҳисобланади. Қисқартмаларни ҳар иккала тилда ҳам бир сўз ҳолатига келтирилган сиқик терминологик бирикма деб ҳисоблаш мумкин. Инглиз ва ўзбек тилларидаги қисқартма терминлар от туркумига тааллуқли эканлиги аниқланди.

Диссертация ишининг “Турли тиллар тизимида дерматовенерологик терминларнинг синтактик усул билан ясалиши” деб номланган бўлимида инглиз тили ва ўзбек тилларидаги дерматовенерология терминологиясида салмоқли миқдордаги икки, уч, тўрт ва ундан ортиқ таркибли терминлар

тадқиқ қилинган ва уларнинг статистик таҳлили келтирилган. Инглиз тилининг термин бирикмалари ташкил этган компонентлар ифодаланишига кўра қайси сўз туркумларига тааллуқли эканлиги жиҳатидан таҳлили 3-жадвалда келтирилган ва уларнинг қуйидаги моделлари белгиланди.

3-жадвал.

Инглиз тилида икки компонентли термин бирикмаларнинг қурилиш модели

Бирикма таркиби	Термин сони	Мисол
N+N	580	<i>skin tumours, skin cancer, skin disease, skin collagen, contact dermatitis, napkin rashes, dermatophyte infection, herpes virus, nail disease.</i>
N+Adj	98	<i>herpes simplex, hidradenitis suppurativa, pityriasis alba, neonatal skin, follicular pustules.</i>
Adj+N	260	<i>atopic dermatitis, stasis dermatitis, congenital nevi, classic psoriasis, pustular psoriasis, bullous skin.</i>
Adv+N	11	<i>early syphilis, latent syphilis.</i>
Num+N	37	<i>primary cutaneous, secondary syphilis, primary syphilis, tertiary syphilis, primary symptom.</i>
Gerund+N	23	<i>scarring alopecia, itching dermatitis, scarring alopecia;</i>
Participle+N	28	<i>suspected angioedema, suspected urticarial, generalized itch, medicated paste.</i>
N+'s+N	35	<i>athlete`s foot, sailor`s lip, farmer`s lip, crocodile`s skin.</i>
Personal name+N	102	<i>Fordyce spot, herpes Zoster, Behcet disease, Queyrat erythroplasia, Buschke-Lowenstein tumour.</i>
N+prep+N	56	<i>examination of skin, syndrome of Steven-Johnson, syphilis of rectum, erythematosis of squamosis, chancre of panaritium.</i>

Таҳлилий маълумотга кўра, инглиз тилида тери-таносил касалликлари терминларининг икки компонентли бирикмалари *N+N* ва *Adj+N* модели орқали ясалиш имконияти кўпроқ деган фикрга келинди. Икки компонентли терминларнинг умумий сонидан *N+N* модели билан ясалган терминлар 47.2 %ни, *Adj+N* модели билан ясалган терминлар эса 21,1 %ни ташкил этади. Шу билан бир қаторда, инглиз тили дерматовенерология терминологияси тизимида уч ва ундан ортиқ турдаги мураккаб бирикма терминлари ҳам сон жиҳатидан кўп, яъни 738 та эканлигига гувоҳ бўлдик. Жумладан, улар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: *skin immune system, dermal dendritic cell, epidermal Langerhans cell, irritant contact dermatitis, allergic contact dermatitis, male pattern baldness, basal cell carcinoma, chronic sun damage.*

Таҳлил жараёнида инглиз тилидаги уч компонентли терминологик бирикмаларнинг ясалишида умумий ҳисобда 6 та модель аниқланди.

Жумладан, *Adj+N+N* уч компонентли терминологик бирикмаларнинг энг кенг тарқалган модели сифатида белгиланди.

Тўрт компонентли дерматовенерологик терминологик бирикмалар ҳам аниқланди. Улар сони 230 та бўлиб, мураккаб компонентли терминологик сўз бирикмаларнинг умумий сонидан 31 %ини ташкил этди. Ушбу терминларни қуйидаги моделларга ажратдик. Жумладан, *Adj+N+N+N* (*melanatic cancer malignant melanoma, Acquired Immune Deficiency Syndrome*), *Adj+Adj+N+N* (*staphylococcal scalded skin syndrome, small dilated cutaneous vessels*), *N+Adj+N+N* (*Mesh pigmentary poikiloderma Sivatta*).

Инглиз тилида кўп компонентли бирикма терминлар таркибида беш компонентли (129 та); олти компонентли (13та); етти компонентли (8та) терминологик бирикмалар аниқланди: *diseases of the apocrine sweat glands, chlamydial infection of the anorectal area, primary syphilis located in other areas, ranulomas surrounded by a cuff of lymphocytes*.

Мураккаб бирикмали терминларнинг умумий сонидан беш компонентлилар 17.5 %, олти компонентлилар 1.8 % , етти компонентлилар 1.1 %ни ташкил этган.

Ўзбек тили дерматовенерология терминологик бирикмаларининг структуравий семантикаси муайян моделлар ҳамда термин бирикмаларнинг лексик-морфологик тузилиши жиҳатидан таҳлил этилиб, уларнинг қуйидаги моделлари аниқланди.

1. Икки компонентли.

От+от: *пигмент хужайра, базал қават, донадор қават, Лангерганс хужайраси;*

Сифат+от: *қизил темирлатки, оддий хуснбузар, йирингли яра, тугунли эритема, нўрсилдоқ яра, замбуриғли микоз;*

Равиш+от: *эрта захм, кечки захм, яширин захм;*

Сон+от: *бирламчи захм, иккиламчи захм.*

2. Уч компонентли.

От+от+от: *индуратив Базен эритемаси, оёқ панжаси эпидермофитияси;*

Сифат+от+от: *ўчоқли тери сили; ўсмасимон сил югуриги;*

От+сифат+от: *Мибелнинг классик порокератози, ўсмирлар ясси сўғали;*

Сифат+сифат+от: *чегараланган атопик дерматит, маддаланган-инфилтратив тирхофития;*

Сон+сифат+от: *бирламчи фаол захм;*

Равиш+равиш+от: *эрта яширин захм;*

3. Тўрт компонентли.

От+от+от+от: *мия қон томирлар захми;*

Сифат+от+от+от: *янги тугилган чақалоқлар хуснбузари;*

Сифат+от+равиш+от: *силлиқ тери юза трихофитияси;*

Сифат+сифат+от+от: *сурункали генерализацияланган болалар кандидози;*

От+равиш+от+от: *тери ости ёғ қавати;*

От+сифат+сифат+от: *чақалоқлар эпидемик пуфакли яраси;*

Сифат+от+от+сифат: *янги тугилган чақалоқлар сариқлиги;*

Равиш+сифат+сифат+от: кечки диффуз менинговаскуляр захм;

Равиш+равиш+от+от: кечки яширин захм менингити;

Сон+сифат+равиш+от: бирламчи сероманфий кечки захм.

Бундан ташқари ўзбек тилида дерматовенерология терминологиясига оид беш, олти компонентдан иборат терминларни ҳам топишга муваффақ бўлдик. Масалан: *тери ости ёғ қавати чегарали никрози, жинсий йўл билан юқувчи инфекциялар, янги тугилган чақалоқларнинг гонококкли конъюнктивити, сурункали ярал ва вегетацияланувчи пиодермитлар, Гоффман абсцессланган қўпоровчан фолликулити ва перефолликулити, тери шиллиқ қаватларнинг яралли сили ва бошқалар.*

4- жадвал.

Инглиз ва ўзбек тилларида дерматовенерологик бирикма терминларнинг чоғиштирма таҳлили

Бирикма терминлар	Инглиз тилида	Ўзбек тилида
Икки компонентли	1230	1137
Уч компонентли	358	381
Тўрт компонентли	230	251
Беш компонентли	129	141
Олти компонентли	13	1
Етти компонентли	8	0

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, ҳар икки тилда икки компонентли терминлар сон жиҳатдан устунликка эга. Уч, тўрт ва беш компонентли терминлар миқдор жиҳатдан ўзбек тилида кўп эканлиги маълум бўлди. Инглиз тилида олти ва етти компонентли сўз бирикмалари мавжуд, аммо ўзбек тилида етти компонентли бирикма терминлар йўқ.

Диссертациянинг учинчи боби “**Инглиз ва ўзбек тилларида дерматовенерология терминологиясининг лексик-семантик хусусиятлари**” деб номланган.

III бобнинг биринчи бўлими “Дерматовенерология терминологиясида лексик-семантик гуруҳлар таснифи” деб номланган. Лексик-семантик гуруҳларга ажратишдаги турли хил назарияларни таҳлил қилиб ҳамда мавжуд фактик материалларга асосланиб, терминолог-мутахассислар билдирган фикрлар асосида дерматовенерология терминологияси қуйидаги 5та лексик-семантик гуруҳларга ажратилди:

1. Тери морфологияси (анатомияси, гистологияси, ва физиологияси)ни атовчи терминлар: *derma – тери, hair – соч, nail – тирноқ, macula – доғ, papula – тугунча, tubercle – дўмбоқча, nodus – тугун, bulla – пуфак, versicula – пуфакча, pustule – мадда, urtica – қаварчиқ, squama – тангача, crusta – пўст.*

2. Тери-таносил касалликларини атовчи терминлар: *eczema – гуш, dermatitis – дерматит, leprosy – мохов, pemphigus – нўрсилдоқ яра, leishmaniasis – паишахўрда, cyst – пубак, vitiligo – нес, blister – қаварчиқ, puririgo – қичима, scabies – қўтир, psoriasis – қўбус, gonorrhoea – сўзак, wart – сўгал, syphilis – захм.*

3. Тери-таносил касалликларини даволовчи асбоб-ускуналар ва синамаларни атовчи терминлар: *KOH examination* – *KOH синамаси*, *ultra violet light (UVL)* – *Ультра бинафша нури (УБН)*, *Wood's light* – *Вуд лампаси*, *Whirlpool bath* – *гидромассажли ванна*, *electrosurgery* – *электрокоагуляция*, *laser surgery* – *лазерли жаррохлик*, *patch testing* – *патч синамаси*, *Burrow's solution* – *Берроу эритмаси*, *PUVA light therapy* – *Пува терапия*, *Unna boot therapy* – *Унна терапияси*, *Stool analysis* – *нажас текшируви*, *thyroid stimulating hormone test* – *қалқонсимон безни стимуляцияловчи тест*, *biopsy* – *биопсия*, *Tzanck testing* – *Цанк синамаси*.

4. Тери-таносил касалликларини даволовчи дори-дармон номларини атовчи терминлар: *corticosteroids* – *кортикостероидлар*, *antifungals* – *замбуруғларга қарши препаратлар*, *criseofulvin* – *кризофулвин*, *griseofulvin* – *грисеофулвин*, *dapsone* – *дансон*, *methotrexate* – *метотрексат*, *accutane* – *аккутан*, *antibiotics* – *антибиотик*, *ointment* – *мазь*, *lubricant* – *мойлар*, *lotion* – *лосон*.

5. Тери-таносил касалликларни аниқлашда фойдаланиладиган клиник белгилар, симптом, синдромларни атовчи терминлар: *Stevens-Johnson syndrome* – *Стивен-Жонсон синдроми*, *Von Zumbusch syndrome* – *Цумбуш синдроми*, *Sturge-Weber syndrome* – *Стерж-Вебер синдроми*.

“Инглиз ва ўзбек тиллари дерматовенерология терминологиясида синонимия, омонимия ва антонимия ҳодисаси” деб номланган иккинчи бўлимида чоғиштирилаётган тиллардаги дерматовенерология терминларида синонимия, антонимия ва омонимия ҳодисалари ўрганилди.

Инглиз тилида дерматовенерологияга оид тиббиёт терминларининг таркибий таҳлили қуйидаги синонимик қаторларни аниқлашга имкон берди:

1. Сўз – сўз; Бундай синонимик қатор инглиз тили дерматовенерологик терминологиясида таҳлил қилинаётган лексемаларнинг 32 фоизини ташкил қилади. Масалан: *birthmark* – *nevus*, *boils* – *furunculosis*, *callus* – *tyloma*, *chickenpox* – *varicella*, *dermatitis* – *eczema*, *urticaria* – *hives*, *varicella* – *chickenpox*.

2. Сўз – сўз бирикмаси шаклидаги синонимик қатор 18 %ни ташкил қилган: *thrush* – *oral candidiasis*, *hyperhidrosis* – *excessive sweating*.

3. Сўз бирикмаси – сўз бирикмаси шаклидаги синонимик қатор инглиз тилида (47 %) катта миқдорни ташкил қилган: *pemphigoidum bullosum* – *non – acantholytic pemphigus*, *pemphigoidum cicatricans* – *benign pemphigoid of the mucous membranes* – *bullous dermatitis of the mucous membranes* – *pemphigoid of the eyes* – *essential wrinkling of the conjunctiva*.

Ўзбек тили тиббий адабиётларидаги дерматовенерология соҳасига оид терминларни таркибий жиҳатдан таҳлил қилганимизда натижалар қуйидагини кўрсатди:

1. Сўз – сўз. Ўзбек тилида сўз-сўз шаклидаги синонимик қатор 28 %ни ташкил қилиб, инглиз тилидаги билан деярли бир хил.

2. Сўз – сўз бирикмаси (22 %): *лихенификация* – *тери дағаллашиши*, *темиртки* – *чегараланган атопик дерматит*, *псориаз* – *тангачали темиртки*, *фолликулит* – *мой ҳуснбузарлари*, *алопеция* – *соч тўкилиши*,

хасмол – юза панариций, онихомикоз – тирноқлар эпидермофитияси, хўпоз – кўк яра, меланоцит – пигмент хужайра.

3. Сўз бирикмаси – сўз бирикмаси. Ўзбек тилида ҳам инглиз тилидаги сингари “сўз бирикмаси – сўз бирикмаси” шаклидаги синонимик қатор кўп миқдорни (47 %) ташкил қилади: *оддий темиратки – сквамоз импетиго, Кейр эритроплазияси – бахмалсимон эпителиома, йирик бурмалар кандидози – интертригиноз кандидоз, қизил темиратки – Девержи касаллиги, акатолитик пемфегус – нўрсилдоқ яра.*

Танланган синонимик қаторнинг бешдан бири (20 %) икки ва уч компонентдан ташкил топган синонимлар билан ифодаланади.

Тадқиқот ишимиз давомида биз инглиз тилидаги дерматовенерология соҳасидаги 349 та термин-синонимларни таҳлил қилдик. Улардан 181 таси икки синонимик қатордан, 126 таси 3 синонимик қатордан, 31 таси тўрт синонимик қатордан, 6 таси 5 синонимик қатор, 3 таси олти ва иккитаси етти синонимик қатордан иборатдир.

Ўзбек тилидаги экспериментал корпусимизда дерматовенерология соҳасидаги 298 та термин-синонимларни таҳлил қилдик. Улардан 169 таси икки синонимик қатордан, 96 таси 3 синонимик қатордан, 3 таси тўрт ва 1 та бешта синонимик қатордан иборат. Афсуски, ўзбек тили тери-таносил касалликлари терминологиясида олти, етти синонимик қатордан иборат терминлар мавжуд эмас.

Дерматовенерологик терминларда антонимлик деганда касаллик тушунчасининг қарама-қаршилиги, зиддияти назарда тутилиб, бунда лексик ва аффиксиал антонимлик фарқланади. Лексик антонимларнинг содда ва бирикма турларини фарқлаш мумкин.

Тадқиқотимиз давомида инглиз ва ўзбек тили дерматовенерологик терминологиясида содда антонимлар кўлами жуда кам эканлиги аниқланди. Инглиз ва ўзбек тилларида содда антонимларга *outer – inner (ташқи-ички), ectoderma – hypoderma (эктодерма-гиподерма), hyperpigmentation – hypopigmentation (гиперпигментация-гипопигментация) seronegative – seropositive (серонегатив-серопозитив), endotrix – ectotrix (эндотрикс-эктотрикс), atrophic – hypertrophic (атрофик-гипертрофик), anthropophile – zooanthrophophile (антропофил-зооантропофил)* терминларини киритишимиз мумкин.

Инглиз ва ўзбек тилларида бирикма шаклидаги антонимларнинг кўлами кенгдир. Бирикмали антоним терминлар, асосан, атрибутив бирикмалар бўлиб, улар инглиз тилида ўзак-негиз таркибидан иборат. Инглиз тилида қуйидагиларни бирикма антоним терминларга мисол қилиб олишимиз мумкин: *pie­dra alba – pie­dra negra, inflammatory drug – anti-inflammatory drugs, chancroid – Hard chancre, minor tropical leishmaniasis – major tropical leishmaniasis.*

Ўзбек тилининг дерматовенерологик терминологиясида антонимик бирикма терминлар кўпроқ сифат+от шаклида ясалган. Масалан: *юмшоқ шанкр – қаттиқ шанкр, оқ педра – қора педра; эрта туғма захм – кеч туғма захм; юза трихофития – чуқур трихофития; туғма захм – ортирилган захм;*

лейшмания тропика майер – лейшмания тропика минор; чегараланган нейродерматит – тарқоқ нейродерматит.

Инглиз тилида ясама антонимик терминлар семантикасидаги зидликни ва инкорни ифода этувчи кўшимчалар баъзи сўзларнинг олд томонида, айримларининг эса орқа томонида иштирок этса, ўзбек тилида улар соҳа терминларининг фақат орқа томонидан қатнашиб келиши билан фарқ қилади. Инглиз тилида *-anti, -de, -dis, (fungal - antifungal, seminanted – disseminated, contamination – decontamination, assimilation – dessimilation;*) аффикслари инкор билдирувчи сўзларни яшашга хизмат қилса, ўзбек тилида *-сиз, -ли,* аффикслари ёрдамида антонимлар ҳосил бўлади. Масалан: *томирли доғ – томирсиз доғ, вирусли инфекция – вируссиз инфекция.* Келтирилган олд ва орт сифат ясовчи кўшимчалар терминларда лексик-семантик нуқтаи назардан ўзига хос мазмун касб этиб, қарама-қаршиликни ифодалаб келмоқда.

Дерматовенерологик терминологияда соҳа доирасидаги омонимлик ҳолатлари кузатилмайди. Бироқ бошқа терминологик тизимларда қўлланиладиган терминлар билан шаклдош терминларнинг мавжудлиги соҳавий омонимлик ҳақида фикр юритишга асос бўла олади. Дерматовенерология терминологиясида “*организмнинг муайян модда ва захарнинг ноқулай, салбий таъсирига чидаш қобилияти*”, “*муайян вируснинг унга қарши дори таъсирига бардошлилик хусусиятини ошириши*” каби тушунчалар *толерантлик* термини билан ифодаланади. Мазкур термин ижтимоий-сиёсий соҳада “*ўзгаларнинг фикр-ғоялари, эътиқоди, ҳис-туйғулари, турмуш тарзи ва хулқ-атвориغا нисбатан сабр-тоқатли бўлиши*” маъносида тушунилади. Инглиз тилининг дерматовенерологик терминологиясида ҳам омонимия ҳодисасини кузатишимиз ва бунга қуйидагиларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин:

Mole I a spy who achieves over a long period an important position within the security defenses of a country [Marriam-Webster online dictionary].

Биринчи лексик бирлик айғоқчи маъносини ифодалаб келган, яъни узок вақт давомида мамлакат хавфсизлигини ҳимоя қилишда муҳим мавқега эга бўлган шахс.

Mole II a small, often slightly raised blemish on the skin made dark by a high concentration [Marriam-Webster online dictionary].

Иккинчи лексик бирлик меланиннинг юқори концентрацияси туфайли тери устида кичик, кўпинча бироз кўтарилган нуқта.

Rash I an area of redness and spots on a person's skin, appearing especially as a result of allergy or illness [Marriam-Webster online dictionary].

Rash II displaying or proceeding from a lack of careful consideration of the possible consequences of an action. an area of redness and spots on a person's skin, appearing especially as a result of allergy or illness [Marriam-Webster online dictionary].

“*Rash*” лексемасининг луғатдаги биринчи маъноси аллергия ёки касаллик натижасида пайдо бўлган қизариш, тошма маъносини ифодалаб келган бўлса, иккинчи лексема ҳаракатнинг мумкин бўлган оқибатларини синчковлик билан ўйламасликдан келиб чиқадиган шашқалоқликни

ифодалаб келган. Энди ўзбек тили дерматовенерология терминологиясидаги омоним сўзларни изохлашга ҳаракат қиламиз.

“Тугун” термини “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ўраб, бўғчалаб боғланадиган нарса маъносини ифодалаб келган.

Адолат бошидаги тугунни, орқасидаги қопчигини ерга қўйиб, Шакархонга қаради [И.Раҳим. Чин муҳаббат. – Б. 87].

Дерматовенерология терминологиясида “тугун” лексемаси бўшлиқсиз элементлар қаторига кириб, тери дамидан анча кўтарилиб турувчи, ўткир яллиғланишсиз кечадиган, инфилтратив табиатга эга тери элементини ифодалайди.

Акнесимон тери силида қизил тугун маркази саргимтир бўлиб, маддани эслатсада, унинг маркази некротик соҳа ҳисобланади [ТТК. – Б. 336].

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “пуфак” лексемаси ичига ҳаво ёки енгил газ тўлдириб шиширилган, юпка, чўзилувчан нарса дея изоҳ берилган. *Бирпасдан кейин лагерь устида думига каттакон пуфак боғлаб олган самолёт пайдо бўлди* [А.Қаҳҳор. Олтин юлдуз. – Б. 121].

Дерматовенерологик терминологияда “пуфак” лексемаси катталиги 0.5 смдан 5-7 смгача бўлган, ичи қавакли экссудатив тери элементини ифодалайди [ТТК. – Б. 41].

“Турли тиллар тизими дерматовенерологик терминологиясида метафорик ва метонимик кўчим” деб номланган 3-бўлимида дерматовенерологик тиббий матнларда учрайдиган метафорик ва метонимик кўчиш ҳодисаси таҳлил қилинган. В.П.Даниленко термин яшашнинг семантик усулларида бир тури сифатида метафоризацияни терминларни ҳосил қилувчи тил эгаларининг ижтимоий тафаккур даражасига боғлиқ деб кўрсатади. Турли даврларнинг терминологик номларини яратишда нарса-предмет, воқеа-ҳодисаларнинг ташқи ўхшашлигига асосланган конкрет-образли тафаккур сақланиб қолади¹⁷.

В.П.Даниелко назарияси асосида тўпланган материалларни таҳлил қилиш натижасида инглиз тили дерматовенерологик терминларини шартли равишда қуйидаги метафорик гуруҳларга ажратдик:

Метафора-соматизмлар: *athlete`s foot, farmer`s lip, sailor`s lip, swimmer`s itch*.

Рўзғор буюмлари метафоралари: *bedsore, nail plate, nail bed, narrow band, bedbugs*.

Метафора-зоосемизмлар: *elephantiasis, crocodile skin, facies leonine, chickenpox*.

Метафора-биосемизмлар: *cheery hemangioma, blueberry muffin like, nettle rash, coffee spot, oil spot, cayenne pepper spot*.

Метафора-геосемизмлар: *venous lake, sea snail, sea-bather`s*.

Метеорологик метафоралар: *ice pack, acne fulminans, purpura fulminans*.

Социоморф метафоралар: *pseudo tumor, familial atypical mole, familial cancer, senile purpura*.

¹⁷ Даниленко В.П. Русская терминология: Опыт лингвистического описания. – М.: Наука, 1977. – С. 100.

Ўзбек тилидаги метафораларни умумистеъмолдаги сўзлар маъносига кўра шартли равишда қуйидаги микрогуруҳларга бўлиш мумкин.

Кийим-кечак ва уларнинг қисмларини англлатувчи терминлар. Кийим-кечак ва унинг қисмларининг номлари бирикмалар таркибида дерматовенерологик термин вазифасини бажариб келиши мумкин. Кийим-кечакка алоқадор лексик бирликлар ичида “бурма” термини “*кўйлакнинг бел, кўкрак ва орқа кўкрак қисмини машинада ёки қўлда буриб тикиш натижасида ҳосил қилинувчи қисм*” маъносини ифодалайди.

Дерматовенерологик терминологияда эса у ўхшатиш усули асосида янги термин сифатида ишлатимоқда. Масалан: *Бичилиш аксарият табиий тери бурмалари бор жойда кузатилади* [ТТК. – Б. 305].

Рўзғорда ишлатиладиган асбоблар, турли хил предметлар ҳамда уларнинг қисмлари номлари. Ота-боболаримиз қадимдан ишлатиб келган “ўчоқ” овқат пишириш учун ишлатиладиган предмет маъносида қўлланилиши маълум. Дерматовенерологияда “ўчоқ” касаллик кўпаядиган жой маъносида қўлланилади. “Ўчоқ” сўзининг дерматовенерологияга олиб киритилиши қуйидагича изоҳланади: *Касалланган ўчоқлар атрофида майда пустилалар пайдо бўлиши ва улар янги экзематоз ўчоқларни ҳосил қилиши мумкин* [ТТК. – Б. 80].

Ип, газлама, матодан тайёрланган, уй-рўзғор, маиший ҳаётда ишлатилаётган нарса-буюмлар, айрим ҳолларда эса уларнинг қисмлари номлари ҳам дерматовенерологик терминлар ясашда фаол суратда қатнашган. Буларга қуйидагилар киради: “*ёстиқ*” ва “*болиш*” лексемалари бир-бирига синоним сўзлар ҳисобланади ва бу лексемалар адабий тилда “ётишда бошга қўйиладиган ёнбошлаб ўтириш учун мўлжалланган ашё” маъносини билдиради. Дерматовенерология терминологиясида бу лексик бирликлар “-ча” кичрайтириш қўшимчасини олган ҳолда махсус термин сифатида ишлатилмоқда.

“*Ёстиқ*” лексемаси тери-таносил касалликларида тирнок пластинкасининг қоплаб турадиган соҳасини ифодалайди.

Кишиларнинг маиший ҳаётида ишлатиб келинаётган яна қатор нарса-буюмлар мавжудки, улар ҳам она тилимизда дерматовенерологик термин сифатида фаол суратда ишлатилади. Масалан: “*халта*” сўзи ўзбек тили изоҳли луғатида матодан ясалган, ичига нарса солиб кўтариб юриш учун мосланган буюм тушинилади. Дерматовенерологияда эса соч илдизини ташқи томондан эпителиал ва бириктирувчи тўқималаридан тузилган фолликулит “*соч халтаси*” дейилади.

Маълумки, кийим-кечак ёхуд рўзғорда ишлатиладиган маиший нарса-буюмлар қатор қисмлардан иборат бўлади, уларнинг ҳар бири эса ўз терминига эга. Ана шундай терминлар ҳам дерматовенерология терминологиясида қўлланилади.

Ботаник объектлар ва уларни англлатувчи терминлар. Кузатишларимиздан маълум бўлдики, ўзбек тилининг дерматовенерологияга оид терминологиясида ботаник объектларни ифодаловчи қатор терминлар ҳам ишлатилади. Айрим ўсимликларнинг номлари сўз бирикмаси таркибида

дерматовенерологик термин тарзида намоён бўлади. Масалан: “*пиёз*” сўзининг қадимий шакли, яъни синоними сўғондир. У ўзбек тилида эпизодик тарздагина қўлланилади. Шунга қарамай, мазкур термин дерматовенерологик терминологияда ҳам “*пиёз*” термини билан параллел ишлатилган ҳолларни кўришимиз мумкин.

Соч пиёзчаси тагига юмоқ, шакланмаган бириктирувчи тўқимадан иборат соч сўргичи ботиб киради [ТТК. – Б. 17].

Соч илдизининг пастки қисми кенгайиб йўгонлашиб туради, соч сўғони (пиёзчаси) деб шунга айтилади [ТТК. – Б. 17].

Дерматовенерология терминларининг лексик-семантик усул билан ясалишида метонимия ҳодисасини учратиш мумкин. Метонимия ҳодисаси инглиз ва ўзбек тиллари дерматовенерологик терминологиясида метафора сингари фаол семантик хусусиятга эга эмас. Шундай бўлса ҳам изланишларимиз натижасида инглиз тилидаги экспериментал корпусимизда қуйидаги метонимия ҳодисаларининг гувоҳи бўлдик. *Tzanck Smear, Rocky Mountain, Aleppo button* терминлари инглиз тили дерматовенерология терминологиясида етарли даражада метонимик кўчимни кўрсатмоқда.

If the lesions are in question a Tzanck Smear can be performed [MSD. – P. 70].

Rocky Mountain must be treated very early on your presumptive diagnosis, before all the test results can be analyzed [MSD. – P. 289].

Ўзбек тилида метонимияга мисол қилиб қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

Рентген текширишлари ўтказилганда гистоплазмоз касаллигида ўпка силига ўхшаш ўзгаришлар (каверна, фиброз, бир нечта инфилтратлар) аниқланади [ТТК. – Б. 164].

Биологик материаллар (қон, балғам ва бошқалар)ни Романовский-Гимза ва бошқа усуллар билан бўяш тавсия этилади [ТТК. – Б. 286].

Таъхис қўйишида эрозия ва шанкрдан тафовут қилиш учун бир неча маротаба оқши трипонемага текшириш, Вассерман натижаларини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга [ТТК. – Б. 331].

III бобнинг тўртинчи бўлими “Дерматовенерология соҳасига оид терминларда эпонимларнинг ўзига хослиги” деб номланган. Дерматовенерологик терминологияда эпоним терминлар алоҳида қизиқиш уйғотади. Масалан: *Лангерганс хужайралари, Мейснер таначаси, Меркел дисклари,>Addison касаллиги, Бене-Мешер симптоми ва бошқалар.*

Инглиз тили материалида эпонимлар дерматовенерологияда қуйидаги воқеликларни акс эттирувчи янги терминларни шакллантириш учун ишлатилади:

- касалликлар: *Девержи касаллиги, Капоши саркомаси, Беджел.*
- синдромлар: *Лайел синдроми, Рейно синдроми.*
- тананинг анатомик бирликлари: *Лангерганс хужайралари, Малтиги қавати, Руффи Краузе таначалари.*
- асбоб-ускуналар: *Вуд лампаси, Бернер токи, Букки нурлари.*

- дорилар: *Вишневский мази, Микулич мази.*
- касалликни аниқлаш бўйича тестлар: *Бальцер синамаси, Элиза тести, Кох тести.*

М.В.Васин назариясига асосланган ҳолда атоқли отларнинг келиб чиқиши асосида биз дерматовенерологик эпоним терминларнинг таснифини ишлаб чиқдик.

1. Шахс номларига асосланган эпонимлар. Ушбу терминлар турли хил аломатлар, синдромлар ва касалликларни белгилайди, унда ушбу касалликни биринчи марта таърифлаган ёки даволаш усулини биринчи бўлиб татбиқ этган тиббиёт олимларининг номлари олинган:

Дарье касаллиги (инг. *Darier`s disease*) Dar`e – White касаллиги деб ҳам юритиладиган фолликуляр дискератоз ва фоллекуляр кератоз касаллигидир. Бу касаллик аутоиммун-доминант касаллиги бўлиб “Франция замонавий дерматология отаси” ҳисобланган машҳур француз шифокори, дерматологи Дарье Фердинанд-Жан томонидан аниқланган. Бизнинг маълумотларга кўра, ушбу турдаги эпонимлар турли тилларнинг тиббий терминологиясида энг кўп учрайди ва бизнинг намунамизнинг тахминан 80 %ини ташкил қилади.

2. Географик номлар (топонимлар) асосидаги эпонимлар. Топонимлар тиббиёт тилида касалликнинг этиологик ва патогенетик белгилари номаълум бўлганида, билимнинг биринчи босқичида окказионал сўзлар сифатида учрайди. Топонимларнинг пайдо бўлиши терминологиядаги социолингвистик муаммо ҳисобланади, чунки номаълум исм кўпинча оммавий ахборот воситаларида, матнларда, дунёнинг исталган нуқтасида пайдо бўлган номаълум этиология эпидемияларини тасвирлашда пайдо бўлади.

Топонимик терминларнинг энг юқори фоизини биз дерматовенерологиянинг юқумли касалликлар номенклатурасида қайд этганмиз ва улар терминларнинг 10 фоизини ташкил қилади:

Лайм касаллиги (инг. *Lyme disease*) 1975 йилда Американинг Лайм шаҳарчасида аниқланган.

Меледа кератодермаси (*keratoderma of Meleda, Disease of the island of Meleda*) – бу кератознинг палма-плантар сиртидан кўллар, оёқлар, тирсак, тизза бўғимлари орқасига ўтиши билан тавсифланган ирсий диффуз кератодерманинг бир тури. Бу касаллик илк бор 1826 йилда Луко Стуличе томонидан Хорватиянинг Млет оролчасида аниқланган.

Тиббий таснифларда географик ном касаллик тури ёки унинг намоён бўлишини кўрсатадиган топонимик терминларнинг бутун уялари мавжуд, масалан:

Бластомикоз (инг. *blastomycosis*) – Бразилия бластомикози (инг. *Brazilian blastomycosis*), Европа бластомикози (инг. *European blastomycosis*), Шимолий Америка бластомикози (инг. *North American blastomycosis*), Жанубий Америка бластомикози (инг. *South American blastomycosis*).

Шимолий Америка бластомикози фақатгина топонимик термин ҳисобланиб қолмай, баъзи манбаларда бу касаллик Джиллкрайс бластомикози деб ҳам юритилади.

Топонимлар ҳақида манбаларда маълумот кўп эмас, чунки уларнинг тузилиши тиббий концепциянинг асосий хусусиятларини акс эттирмайди. Юқорида айтиб ўтилганидек, топоним термини муаллиф томонидан илмий билимларнинг биринчи босқичида яратилганлиги сабабли, ходисанинг визуал ва юзаки белгилари номинация асосида ётади.

3. Мифологик атоқли отлар асосида шаклланган термин-эпонимлар (мифонимлар). Тадқиқ қилинган материаллар натижаларига кўра, инглиз тилида мифонимлар тиббиёт терминологиясида 8 фоиздан кўпроғини ташкил қилади. Масалан: *захм (syphilis)* италиян шоири, шифокори Д.Ж.Фракасторо (1531) достонидаги қаҳрамоннинг исми Сифилиус бўлиб, у Аполлон худоси томонидан номаълум оғир бир дард билан жазоланган. Уни таносил касаллиги (яъни захм) деб ҳисоблаб, унга сифилис номи берилган.

Шундай қилиб, келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, эпонимлар тиббиёт тилида симптомлар ва касалликларни аниқлашда маърузачи ва ёзувчининг саъй-ҳаракатларини тежашга хизмат қиладиган металингвистик вазифани бажаради.

Инглиз тилидаги дерматовенерологик адабиётларда баъзи бир ходисаларнинг тавсифловчи эпонимлар ўзбек тилидаги терминологияга қараганда тез-тез учрайди, бу ерда бир хил воқеликни тасвирлашда эпонимларга устунлик берилади. Масалан: *Herpes Zoster – жинсий аъзолар соҳаси учуги, Quincke's edema – эшакем, Deveji disease – қизил темирлатки*. Кўплаб тиббиёт мутахассислари, терминологлар ва тилшунослар касбий нутқда эпонимлардан фойдаланишга қаршидирлар. Илгари фақат номдош терминлар билан белгиланадиган баъзи бир ходисалар учун тавсифловчи терминларни яратиш зарурияти пайдо бўлган. Натижада кўриниб турибдики, эпоним терминларни “оддий” терминлар билан алмаштириш тенденцияси ўзбек тилида кўпроқ сезилади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Инглиз ва ўзбек тилларида тиббиёт терминларининг пайдо бўлиши, тарихий шаклланиш босқичлари, соҳа терминларининг классификацияси атрофлича ёритилди. Натижада тиббиёт терминологиясида янги терминларнинг (неологизмлар) бошқа соҳа терминологиясига нисбатан кўплиги, қисқартма терминларга бойлиги, бирикма терминлар фаолроқ ишлатилиши, уларни тил луғат таркибининг табиатан ҳаракатчан қатлами эканлиги билан изоҳланди.

2. Тиббиёт терминологияси инглиз ва рус олимлари томонидан кўп ўрганилган, лекин ўзбек олимлари томонидан тиббиёт терминологияси тармоқлар бўйича тадқиқот объекти сифатида олинмаган.

3. Дарслик ва ўқув қўлланмаларидаги 5000 га яқин ўзбекча ва инглизча терминлар солиштирилди. Натижада инглиз тили дерматовенерологик терминларининг ўзбек тили терминологик тизимига қараганда миқдоран салмоғи кўп эканлиги маълум бўлди.

4. Инглиз тили дерматовенерологик терминология тизимининг кенгайиб бориши аффиксация усули сермахсуллигидан келиб чиққан бўлиб,

терминларининг ясашида 28 та суффикс ва 35 та префикс ишлатилган. Ўзбек тилида эса 13 та суффикс, 28 та халқаро префикслар ёрдамида дерматовенерологик терминлар ясаши аниқланди. Инглиз тилида *-al*, *-ary*, *-ic*, *-ous* суффикслари ва *hypo-*, *hyper-* префикслари, ўзбек тилида эса *-ма*, *-ча* кўшимчалари дерматовенерологик терминларни ясашда юқори маҳсулдорликка эга.

5. Инглиз тилига мансуб дерматовенерология терминлари орасида бирикма терминларнинг кўп қисмини отлар ташкил қилади. Бирикма терминларнинг қайси сўз туркумига оид эканлиги 7 та моделда таҳлил қилиб чиқилди. От сўз туркумига мансуб дерматовенерологик терминлар 6 та сўз туркумида ҳам бирикма терминлар ясаши билан бирга, инглиз тилида предлог билан бириқиб ҳам бирикма термин ясайди.

6. Чоғиштираётган тилларда дерматовенерологик икки компонентли терминлар сон жиҳатдан устунликка эга. Ҳар икки тилида ҳам “от-от” ва “сифат+от” модели асосида термин ясаши имконияти кўпроқ эканлиги маълум бўлди. Уч, тўрт ва беш компонентли терминлар инглиз тилига қараганда ўзбек тилида миқдор жиҳатдан кўп эканлиги асосланди. Инглиз тилида олти ва етти компонентли сўз бирикмалари мавжуд бўлиб, ўзбек тилида етти компонентли бирикма терминлар мавжуд эмас.

7. Ўзбек тили дерматовенерология терминларининг қисқартма шаклда қўлланилиши инглиз тилига нисбатан жуда кам бўлиб, улар, асосан, бош ҳарфлардан тузилган мураккаб терминларнинг қисқартма шакллари ҳисобланади.

8. Дерматовенерология терминологияси яхлит система сифатида мавзу жиҳатидан бир нечта муҳим лексик-семантик гуруҳлардан таркиб топганлиги ва ҳар бир лексик-семантик гуруҳ учун характерли бўлган фарқ қилувчи жиҳатлар ажратиб кўрсатилган.

9. Инглиз ва ўзбек тилларидаги семантик муносабатларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари синонимик, антонимик, омонимик ҳодисалар асосида кўриб чиқилди. Дерматовенерологик тизимда термин-синонимларни таҳлил қилиш натижасида инглиз тилида соҳа терминларининг 90 % икки синонимик қатордан иборат бўлса, бу кўрсаткич ўзбек тилида 84 %ни ташкил қилган. Текширилган соҳа терминологиясида беш, олти ва етти синонимик қатордан иборат синонимлар мавжуд ва уларнинг кўпчилиги эпонимлар билан ифодаланган.

10. Дерматовенерология терминологиясида антонимия ҳодисаси камроқ бўлса-да намоён бўлган. Бунда лексик ва аффиксиал антонимлик фарқланган бўлиб, лексик антонимлар яқка ва бирикма терминлар билан ифодаланган.

11. Ўрганилаётган соҳа терминларнинг ясашида метафора ҳодисаси метонимияга қараганда муҳим роль ўйнайди. Дерматовенерологик терминларнинг ясашида уй-рўзғор буюмлари ва уларнинг қисмлари номларини соҳа терминологиясига ўхшатиш орқали кўчиши ҳар икки тилда катта миқдорни ташкил қилган.

12. Инглиз тили дерматовенерологик терминологиясида шахс номлари, географик номлар ва мифологик атоқли отлар асосида шаклланган эпонимлар

гуруҳи аниқланди. N`s+N модели эпонимларни яшаш учун фаол қўлланилган. Инглиз тили дерматовенерологик терминологиясида эпонимларни қўллаш ўзбек тилига қараганда устунликка эга. Ўзбек тилида эпонимлар ўрнига кўпроқ ҳодисаларни тавсифловчи оддий терминлар қўлланилганини кузатдик.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/30.12.2019.Fil.01.10
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

САПАЕВА ДИЛФУЗА НАРБАЕВНА

**СТРУКТУРНО-СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ
МЕДИЦИНСКОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ В АНГЛИЙСКОМ И
УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ
(на примере дерматовенерологической лексики)**

10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сопоставительное языкознание и переводоведение

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Кабинета Министров Республики Узбекистан за №. В 2020.4. PhD / Fil 1462.

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете

Автореферат диссертации на трех языках (русском, узбекском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (nuu.md.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель: Садуллаева Нилуфар Азимовна
доктор филологических наук, доцент

Официальные оппоненты: Маматов Абди Эшонкулович
доктор филологических наук, профессор
Ахмедов Айбек Сапорбоевич
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация: Бухарский государственный университет

Защита состоится « ____ » _____ 2022 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 при Национальном университете Узбекистана. Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Фараби, дом 400. Тел. (+99871)246-08-62; (+99871)227-10-59; факс: (+99871)246-65-24; e-mail: наука@nuu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100174, Ташкент, улица Фараби, дом 400. Тел. (+99871)246-08-62.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2022 года.

(протокол рассылки № ____ от « ____ » _____ 2022 года).

А.Г. Шереметьева

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук, профессор

Н.Э. Абдуллаева

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD) по филол. наукам

И.А. Сиддикова

Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Появление в мире новых типов заболеваний создает потребность в широком спектре обмена информацией между профессионалами, которые общаются на разных языках. Взаимозависимость языка и общества, их динамичные и непрерывные изменения, а также их широкое применение в определенной области в результате постоянного усвоения новых терминов и лексем указывают на важность проведения исследований, имеющих практическое значение в лингвистике. В связи с этим важно выделить возможности применения, структуру и смысловые особенности терминов в области дерматовенерологии на основе новых методологических принципов и современных критериев.

Медицинская сфера становится все более распространенной в мире и занимает широкое и самостоятельное место, как неотъемлемое и необходимое средство оказания услуг населению, особенно дерматовенерология - одна из самых стремительно развивающихся областей медицины, ее лексика постоянно изменяется и активно пополняется новыми терминами. В таких странах, как Россия, США, Италия, Великобритания, Германия, Япония, Малайзия, уделяется важное значение совершенствованию терминологии, терминографии в дерматовенерологии, контролю формирования и изучения функциональных особенностей новых понятий, входящих в область дерматовенерологии.

В последние годы интеграция нашей страны в мировое сообщество привела к осуществлению научных исследований в узбекском языкознании, направленных на анализ терминов и выявление их специфических особенностей. Особое внимание в научных исследованиях уделялось выявлению сходств и различий дерматовенерологических терминов в структурно-семантических отношениях в языках, принадлежащих к разным семействам. «Настало время создать в нашей стране новую систему обучения иностранным языкам, которая станет прочным фундаментом на будущее. Раз мы ставим перед собой цель построения конкурентоспособного государства, то отныне выпускники школ, лицеев, колледжей и вузов должны свободно владеть как минимум двумя иностранными языками. Это строгое требование должно стать главным критерием работы руководителя каждого учебного заведения», - сказал в своем выступлении Ш.Мирзиёев¹. Это означает, что возникла насущная необходимость сравнительного изучения терминов дерматовенерологии. Однако, в узбекской лингвистике названия болезней в области дерматовенерологии, тесты, используемые для их диагностики, а также термины для медицинского оборудования и лекарств специально не изучались в сравнительном аспекте в английском и узбекском языках.

Данная исследовательская работа, в определенной степени, служит реализации задач, отмеченных в Указе Президента Республики Узбекистан

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 6 май куни «Чет тилларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари» юзасидан видеоселектр йиғилишидаги нутқи

от 7 декабря 2018 года № ПУ-5590 «О комплексных мерах по радикальному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» в постановлении Президента Республики Узбекистан от 20 апреля 2017 года № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», в постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 11 августа 2017 года «О мерах по дальнейшему повышению качества обучения иностранным языкам в образовательных учреждениях», а также в других нормативно-правовых документах, соответствующих данной сфере.

Соответствие темы исследования приоритетам научных исследований в республике. Диссертация подготовлена в соответствии с приоритетами развития науки и технологий республики «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации в развитии информатизированного общества, а также социального, правового, экономического, культурно-образовательного развития».

Степень изученности проблемы. Был проведен ряд исследований по медицинской терминологии в английском, русском и узбекском языкознании.

Наши наблюдения показали, что зарубежные ученые, такие как Ainsworth-Vaughn, R.R.Anspach, R.Brunst, S.Fleischman, C.Lynch, R.Nestmann, F.Salager-Meyer, J.S.Sager глубоко изучили систему медицинской терминологии в различных аспектах².

Были изучены научные работы российских ученых, С.И.Балишина, Е.В.Бакешевой, С.Г.Дудецкой, С.Л.Мишлановой, А.А.Грошевой, Д.К.Кондратьева, Н.И.Мелко, Е.В.Смирновой, М.В.Оганесян, Р.Перротта, А.А.Раковой, посвященные теоретическим проблемам английской медицинской терминологии и методам ее исследования³.

